ХАЛЫҚ ДЕПУТАТЛАРЫ НӨКИС РАЙОНЛЫҚ КЕҢЕСИ

Халқ депутатлари Нукус тумани Кенгашининг 2018 йил 28 декабрдаги 41-сессиясининг

ҚАРОРИ

2018 йил 28 декабр 140/41-сонли

Нукус туманининг 2019-йилги бюджет параметрларини тасдиклаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси («Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами». 2013-йил 31-декабрь. 52-(1)-сон)нинг 28-статьяси. Нукус тумани махаллий бюджетининг 2019 йилги дарамад ва харажатлари бўйича асосий кўрсаткичларнинг кутилаётган бажарилиши ва 2019 йилга белгиланган асосий параметрларини караб чикиб. Халк депутатлари Нукус тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Нукус тумани махаллий бюджетининг 2019 йилги даромад ва харажатлар бўлагининг асосий кўрсаткичларининг кутилаётган бажарилиши маълумот учун кабул килинсин.

2. Нукус тумани махаллий бюджетининг 2019 йилга харажатлар бўлаги бўйича асосий параметрлари кўрсаткичи 1-иловага. туман махаллий бюджетининг 2019 йилга асосий кўрсаткичи 2-иловага мувофик тасдиклансин.

3. Нукус тумани молия бўлими (Л.Сейтова)га белгиланган тартибда махаллий бюджетга харажатлар ва бюджет ссудалары (даромад ва харажатлар ўртасидаги вактинчалик касса фаркларини коплаш учун) ажратишда. уларнинг микдорини туман бўйича барча соликлар ва бошка мажбурий тўламларнинг накд тушимидан. шунингдек. ин хаки (якка ва ижтимоий тўлам билан). нафакалар ва уларга тенглаштирилган бўламлар бўйича бюджет харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молияланшрини зарурлигидан келиб чиккан холда аниклаштирин хукуки берилсин.

4. Нукус тумани хокимининг иктисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари (К.Токымбетов)га. тегишли муассаса рахбарлари билан биргаликда:

бюджет даромадларининг тасдикланган кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

туман хокимлигининг тегишли бюджет даромадлари ва харажатлари балансшгига таъсир кўрсатувчи норматив-хукукий хужжатларни молиявий ва

иқтисодий экспертизадан ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига киритиб бориш;

худудларда солиқ солиш базасини кенгайтириш ҳамда молия аҳволини яхшилаш бўйича зарур чоралар кўриш;

бюджет харажатларининг мақсадли сарфланишн устидан қатъий назорат қилиш юритилсин.

5. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Ф.Халмуратов)га туман маҳаллий бюджетининг даромадлар бўлагини солиқ турлари билан ошириб борилишн таъминлансин.

6. Нукус тумани молия бўлими (Л.Сейтова)га:

Нукус тумани маҳаллий бюджетининг 2019-йил давомида маҳаллий бюджет харажатларининг қисқарини натижасида пайдо бўлган қўшимча харажатлар манбаи хисобидан туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланини борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур ўзгартиришлар киритиб бориш;

Бюджетдан молияланттирилувчиларининг бюджетдан харажатлар билан таминланишининг асослилигини чуқур тахлил қилиб бориш зарур тақдирда бюджет харажатларининг сақланиши асоссиз деб топилган ва бюджет харажатларининг мақсадсиз сарфланиш холатлари пайдо бўлган бюджет муассасаларини қисқартириш масалалари бўйича туман хокимлигига ва тегишли бошқармаларига таклифлар киритиш;

Халқ депутатлари Нукус тумани Кенгашига маҳаллий бюджетининг бажарилиши бўйича ҳар чоракда хисоботлар киритиб бориш;

туман газначилик бўлими билан биргаликда бюджет харажатларининг мақсадли сарфланиши ва уларнинг сарфланишининг олдини олиш устидан газначилик бажарилиши дизими оркали қатъий назоратга олиш топширилсин.

7. Ушбу карор туман хокимлигининг расмий веб-сайтида ва «Ақмаңғыт таңы» газетасида расмий жориялансин.

8. Карор расмий жорий қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Нукус тумани Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий реформаларни амалга оширини ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссиясига топширилсин.

Сессия бошқарувчиси: А.Сейтахов 9-сон «Тарлы» сайлов округидан депутат

KO'SHIRMESI DURIS